O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 10 май пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 91 (2653)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

# ЎТГАНЛАР ЁДИ АЗИЗ, ТИРИКЛАР ҚАДРИ САРБАЛАНДДИР

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони ўзгача тус олди.

Эрталабдан бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар, ҳарбийлашган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар йиғилди. Найнинг ҳазин навосидан кўнгилларга маҳзун туйғулар инади. Ўзбекистонда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида учинчи бор нишонланаётган 9 май ана шундай ўзгарувчан кайфият билан бошланди. Ҳаво ҳам шунга мос — гоҳ қуёш чарақлаб кетса, гоҳ булутлар майдонга енгилгина соя солади.

Ниҳоят, майдонга мазкур анъанавий тадбирнинг бош ташаббускори — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари йиғилганлар билан бирмабир саломлашиб, ҳарбий оркестр садолари остида «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гул қўйди.

Президентимиз иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган минглаб ватандошларимизнинг табаррук номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган айвонларни зиёрат қилди. Уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Журналистлар билан суҳбатлашди.

— «Мотамсаро она» — Ватан тимсолидир, — деди Ислом Каримов. — У гўё фидойи фарзандларини бағрида ардоқлаб тургандек. Фарзанд учун онанинг қайноқ бағридан яхшироқ оромли жой йўқ. Унга қараб туриб, урушни, қатағонни тасаввур этган, машъум йиллар нафасини ҳис қилган киши бугунги озод ва эркин ҳаёт учун шукроналар айтади, ҳозирги фаровон турмуш, мусаффо осмоннинг қадрини англайди.

Ҳа, биз 9 майни ўзгача руҳда нишонлаяпмиз. Ҳарбий парадлар, замбаракларнинг гумбурлаган овозлари йўқ. Марҳумларни ёд, тирикларни шод қилиб, байрам баҳонаси билан тарих саҳифаларини варақлаяпмиз, хулоса чиқараяпмиз.

Бу майдонга кимлар келмайди, дейсиз. Чунки ўтган урушнинг ўтли нафаси етмаган хонадон йўқ юртимизда. Хотира майдонига келган кишининг кўнгли таскин топиб кетади. Шаҳидларнинг руҳи ҳам ором олади.

— Биз фахрийларимизнинг қадрини жойига қўйиш, уларга қўлдан келганча ғамхўрлик қилишни унутмаслигимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Марҳумларни ёд этиш учун кўп нарса талаб қилинмайди. Лекин тирикларнинг ғамини ейиш осон эмас. Ўтган йили бу ерда кўрган айрим фахрийларни, минг афсуски, бугун учрата олмадим. Шунинг учун мен бугун уруш ва меҳнат фахрийларига, аввало, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Улар борлигининг ўзи биз учун катта давлат.

Мамлакатимиз раҳбари журналистлар орқали ёш авлодга мурожаат қилар экан, уларни фидойиликка, юрт равнақи йўлида янада фаолроқ меҳнат қилишга чақирди.

— Ҳаёт курашлардан иборат, — деди Президентимиз. — Кураш эса ҳеч қачон осон кечмайди. Биз келажаги буюк давлат қурмоққа киришган эканмиз, бу йўлдаги қийинчиликлардан чўчимаслигимиз керак. Бу ишда эса биринчи галда ёшларга ишонамиз. Шунинг учун уларга эътиборни табора кучайтиряпмиз. Улар биздан-да ақлли, доно ва албатта бахтли бўлсин. Ҳар бир йигит-қиз юртимизда кечаётган жараёнларнинг четдаги томошабини эмас, фаол иштирокчиси бўлишини истайман.

Хотира майдони кун бўйи одамлар билан гавжум бўлиб, «Мотамсаро она»нинг пойига гул сиғмай кетди. Зиёратчилар оқими эса кечгача пасаймади. Одамлар қиёфасида байрам шукуҳи. Уруш фахрийси, машҳур Панфилов дивизияси рота командири, тарих фанлари доктори, профессор Икром Жалилов бундай дейди:

— Ёшлигимда ҳарбий бўлишни орзу қилардим, урушда жиддий яралангнимдан кейин ҳаётимни илмга бағишладим. Миллионлар қони эвазига қўлга киритилган бугунги озодлик, фаровон ҳаёт учун ҳар қанча шукрона айтсак кам. Ҳозирги шиддатли ривожланиш жараёни нафақат ёш авлод, балки бизнинг ҳам олдимизга катта вазифалар қўймоқда. Билим ва тажрибамиз юртимиз учун асқотаётганидан, Президентимизнинг биз, фахрийларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан жуда мамнунмиз.

**(ЎзА).**





**СУРАТЛАРДА: 9 май Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирдан лавҳалар. Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС:
# КРЕДИТЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўн йиллик тажрибаси кредитлашнинг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Аввалига хусусий тадбиркорлик ўз йўсинида ривожланди, бунга эркин ташаббус учун яратилган имконият туртки бўлди. Одамларнинг аксарияти учун хусусий иш юритиш нафақат қўшимча даромад олиш, балки ўз имконият ва қобилиятини намоён этиш воситаси ҳам эди. У пайтларда тадбиркорлик вақти келиб давлат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллашини кўпчилик англаб етмаган эди.

90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кичик ва ўрта бизнес ривожи Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Тараққий этган давлатлар тажрибасидан шу нарса аёнки, иқтисодиётда хусусий сектор барқарорлаштирувчи аҳамиятга эга, аҳолини иш билан таъминлаш борасида эса у чексиз имкониятлар беради. Ўрта ҳисобда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярми, ялпи ички маҳсулотнинг 50-60, қатор мамлакатларда 80 фоизигача кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йиллари давомида республикада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар ташкил этилди. Бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи 60 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди.

Бироқ давлатнинг хусусий бизнесга ёрдами шу билан чегараланиб қолмади. Кўп мамлакатларда, айниқса бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда кичик ва ўрта бизнесни молиялаш масаласи долзарб ҳисобланади. Уни кредитлаш ҳамма вақт ҳам кўп фойда келтиравермайди.

Ўзбекистон ҳукумати вазиятни тўғри баҳолаб, молиялаш муаммоларини ҳал этишда хусусий тадбиркорликка мунтазам ёрдам кўрсатиб келмоқда. Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини миллий валютада кредитлаш учун бюджетдан ташқари жамғармалар яратилди. Иқтисодиётнинг бу секторини ривожлантириш учун республика бўйича қиймати 461 миллион долларга тенг бўлган хорижий инвестициялар жалб этилди. Шу мақсадда Европа тараққиёт ва ривожланиш банки, Осиё ривожланиш банки, МФК, ОПЕК жамғармаси ва КФВ Германия тараққиёт банки каби етакчи халқаро молия институтлари кредит линиялари ажратди. Бунда кичик ва ўрта бизнесни кредитлашнинг 80 фоизи Ўзбекистон Миллий ташқи фаолият банки томонидан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб банк томонидан умумий кредит суммаси 223 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 146 лойиҳа танлаб олинган. Шундан иқтисодиётнинг турли соҳаларига оид 111 та лойиҳа молиялаштириш учун қабул қилинган ва уларни амалга ошириш учун 186 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Мамлакатимизга Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг қиймати 60 миллион АҚШ долларига тенг кредит линияси ажратилган. 1993 йилдан эътиборан хорижий кредит маблағларини ўзлаштириш суръати ва сифати кескин ўзгарди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, умумий қиймати 110 миллион доллардан иборат Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иккинчи ва Осиё тараққиёт банкининг биринчи кредит линияси Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг биринчи кредит линиясига нисбатан икки баравар тез ўзлаштирилмоқда. Улар бўйича уч йил ичида 21 та лойиҳа молияланди. Янги кредит линиялари, жумладан МФК ва КФВ кредитлари, ОПЕК жамғармаси кредит линияси бўйича қиймати 126 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 90 та лойиҳа молиялаш учун қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк секторининг етакчиси ва МДҲдаги энг йирик банк ҳисобланган Миллий банк кичик ва ўрта бизнес билан ҳамкорликни янада ривожлантирмоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг тобора кўпайиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда банк ҳукумат кафолатисиз тижорат асосида жалб қилинадиган янги хорижий кредит линияларини ўзлаштириш суръатларини тобора оширмоқда.

Бунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан миллий валютада фаол кредитланмоқда. Шу йилнинг бошидан бошлаб 11 миллиард сўмлик қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Миллий банк саъй-ҳаракатлари боис кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури доирасида республикада 30 минг янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги сиёсати ва банкнинг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолияти жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Ўтган йили Осиё ва Тинч океани минтақаси банклари конгрессида Миллий банк «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг энг яхши дастури» номинациясида ғолиб деб топилди.

(Давоми 2-бетда).

# Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази

Урганчда машҳур «Каунтерпарт консорциум» халқаро ташкилоти ва «Ал-Хоразмий-Вамбери» маҳаллий халқаро илмий жамият ҳамкорлигида фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш маркази очилди.

Марказ тақдимоти маросимида у «Марказий Осиёда фуқаролик жамияти ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш» дастурининг навбатдаги босқичи доирасида ташкил этилгани таъкидланди. Ушбу дастур Ўзбекистонда бир неча йилдан буён АҚШнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID) ёрдамида «Каунтерпарт консорциум» ташкилоти томонидан амалга оширилиб келаётир.

— Биз бу ерга ёрдам бериш учун келганмиз, — дейди «Каунтерпарт консорциум»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори, жаноб Соруш Жавади. — Бошқа вилоятлардаги каби, Хоразмдаги расмий шахслар ҳам нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини билдирмоқда. Урганчда муносиб шерик топганимиздан мамнунмиз. «Ал-Хоразмий-Вамбери» илмий жамияти халқаро ташкилотлар ва маҳаллий ҳукумат органлари учун тайёрланган бир қанча қизиқарли лойиҳалар ташаббускори сифатида маълум. Икки йилдан сўнг дастуримиз амалга оширилгач, марказ вилоят нодавлат ташкилотларига мустақил ёрдам кўрсатиши, шу жумладан уларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигига кўмаклашиши мумкин.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Хотира майдонидаги ўйлар*

# Ижодкорнинг муқаддас бурчи

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

***Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Хотира мажмуасида «Мотамсаро она» пойига гулчамбар қўйиш тадбирига тўпланганлар муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов айтган фикрларни узоқ вақт унутмасликларига ишонаман.***

Бир қарашда инсоният тарихи урушлар тарихидан иборат. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда кейинги 6 минг йилда Ер юзида 5700 та йирик урушлар бўлган экан. Агар одамнинг ўртача умри 60 йил десак, демак инсоният 57 йил уруш қилиб, уч йил дам олар экан. Кулишни ҳам билмайсиз, йиғлашни ҳам. Президентимиз мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимиздагина эмас, тафаккуримизда ҳам мислсиз ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. Бу нарса умуман урушларга, жумладан иккинчи жаҳон урушига бўлган муносабатда ҳам кўринади.

Биз узоқ йиллар 9 майни ғалаба куни сифатида байрам қилдик. Мушакбозликлар бўлди, парадлар бўлди, нутқлар сўзланди. Ҳолбуки, отилган минглаб мушаклар ҳам, чалинган тантанали маршлар ҳам, айтилган оташин сўзлар ҳам урушда фарзандидан жудо бўлган ғамгузор онанинг дардини енгиллаштира олмас эди. Шўро тузуми бизга урушни қаҳрамонлик майдони деб тушунтириб келди. Уруш одамни жасоратга ундайди, ҳатто тарбиялайди, деган тушунчалар руҳимизга сингдириларди. Биз болалигимизда энг кўп ўйнайдиган ўйин «Уруш-уруш ўйини» эди. Ҳолбуки, уруш дегани одамни одам ўлдиришга мажбур қиладиган, инсон қадр-қимматини топтайдиган, онани боладан, болани отадан жудо қиладиган офат эканини ўйлаб кўрмаган эканмиз. Юртбошимиз урушнинг асл қиёфасини шу қадар аниқ чизиб бердиларки, биз ҳаммамизни у кишининг масалаларнинг моҳиятини ниҳоятда чуқур таҳлил қилишлари лол қолдирди.

Албатта, миллий озодлик ҳаракати, ўз Ватанини ҳимоя қилиб курашиш инсоний бурч саналади. Бироқ, шўролар замонида адолатсизлик билан қилинган урушлару қирғинлар ҳам оз эмас эди. Бемақсад ва бемаъни афғон урушида қурбон бўлган афғон аёлининг гуноҳи нима? Ўша қонли жангга мажбуран ташланган ва минага урилиб парча-парча бўлиб кетган ўзбек йигитининг гуноҳи нима? Фарзандининг темир тобутини кучоқлаб йиғлаган ўзбек онасининг гуноҳи нима?



**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Мамлакатимиз раҳбари Хотира ва Қадрлаш кунининг асл моҳиятини таърифлар экан, биз — ижод аҳли олдида ёш авлод онгида янгича тафаккурни шакллантиришга хизмат қиладиган мазмунли китоблар, таъсирчан фильмлар, спектакллар яратиш вазифаси турганини таъкидлади. Биз турли урушларда ҳалок бўлган оталаримиз, акаларимиз, дўстларимиз ҳақида, мустабид тузумнинг қурбони бўлган шаҳидлар тўғрисида баркамол асарлар яратишга бурчлимиз.

## *Вилоятларда*

**• Хоразм**

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Боғот тумани марказида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

Уруш жангоҳларидан қайтмаган боғотликларнинг номлари мармар тахтачаларга битиб қўйилган.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**• Жиззах**

Вилоятнинг Зафаробод, Мирзачўл, Дўстлик туманларида Хотира хиёбонлари барпо этилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши ўзига хос автопойга ташкил этди. Эрта тонгда Мирзачўл туманидан чиққан пойгачилар Дўстлик-Жиззах-Ғаллаорол-Бахмал бўйлаб юришиб, шаҳидлар хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**• Навоий**

Бу кун Хатирчи туманидаги энг олис Тасмачи қишлоғи аҳли қалбида умрбод муҳрланиб қолади. Қишлоқ четида абадиятга юз тутган салобатли Хотира мажмуи очилди. Ўғлини фронтга кузатиш олдидан тишлаган нонни бағрига босганича, ўтганларни хотирлаб, келажак авлодга нурли йўл истаб турган мунис она сиймоси акс этган ёдгорлик киши қалбини зирқиратиб юборади. Таниқли ҳайкалтарош, архитектура фанлари номзоди Умрзоқ Шарипов раҳбарлигида бунёд этилган мажмуанинг меъморий деворларида 170 нафар тасмачиликлар номлари ёзиб қўйилди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**• Сирдарё**

Гулистон шаҳрининг қоқ марказидаги Хотира майдонининг очилиш маросимида кекса-ю ёш қатнашди.

Шу йилнинг ўзида Шароф Рашидов тумани марказида, Сирдарё туманида Хотира боғлари барпо этилди. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ва байрам куни Гулистон тумани ҳамда Ширин шаҳрида Хотира хиёбонининг очилиш тантанаси бўлиб ўтди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси эртага, 11 май куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 май куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Бугун, 10 май куни Олий Мажлисда соат 13.00 да «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлади. Шу ерда соат 14.00 да «Фидокорлар» миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

*Олий Мажлис бешинчи сессияси олдидан*

# Ўзига хос услуби шаклланди

**_Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси арафасида турибмиз. Қўмиталар ва комиссияларда сессияга тайёргарлик ишлари бир дақиқа бўлсин, сусайгани йўқ. Сессия оралиғида қилинган ишлар сарҳисоб қилиняпти. Олий Мажлис Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси Миракмал МИРОЛИМОВ мухбиримизга ана шулар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:_**

— Сессия оралиғи даврини навбатдаги сессияга тайёргарлик даври дейиш мумкин. Бу вақт ичида қўмиталар ва комиссияларда янги қонун лойиҳалари тайёрланади, қонунларнинг жойлардаги ижроси ўрганилади. Олий Мажлис қўмиталари, комиссиялари раҳбарларига икки сессия оралиғида қандай ишлар амалга оширилди, деб савол берсангиз, улар у ёки бу қонун лойиҳалари тайёрланганлигини, жойларда қайсидир қонун ижроси ўрганилганлигини санаб беришади. Бизнинг комиссия бажараётган ишлар, унинг олдида турган вазифалар кўлами анча кенг.

Комиссия аъзолари сессия кун тартибига киритилган барча қонун лойиҳаларини моддама-модда кўриб чиқаяпти. Ҳар бир қонун лойиҳаси устида катта кўламда иш олиб борилади. Ҳар бир жумла, сўз устида ишланади, қанчадан-қанча тузатишлар қилинади. Бундан мақсад сессия муҳокамасига киритиладиган барча қонун лойиҳалари соф ўзбек тилида, халқ тилида бўлишига эришиш. Қонун равон ўқилиши, осон тушунилиши керак. Шундагина қонунларимиз онгимизга тезроқ сингади, унинг яхши ишлашига имконият яратилади.

Бундан комиссия ҳамма ишни қиларкан, деган хулоса чиқарилса, муболаға бўлади. Қайси жиҳатдан, масалан мутахассис, амалиётчи қонун моддасининг қайсидир жумласи ҳаётда, амалиётда қандай ҳаракатда бўлишини яхши билади. Лекин қонун лойиҳасида шу жумла қандай ифодаланиши керак? Буни унчалик яхши билмаслиги мумкин. Ана шунда баҳс-мунозара бўлади. Ҳақиқат эса баҳсларда туғилади. Демоқчиманки, мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаш фойдадан холи бўлмаяпти.

Комиссия аъзолари икки сессия оралиғида қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида назорат-таҳлил фаолиятини ҳам олиб бордилар. Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятида ижроси ўрганилди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу сафар масалага бошқачароқ ёндашилди. Қонун ижросини ўрганиш жараёнида ибратли ишлар билан биргаликда муайян камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Қўмита билан қўшма йиғилиш қилиб, қўшма қарор чиқариш мумкин эди. Биз бошқача йўлни танладик. Вилоят раҳбарияти ҳам буни маъқул топди. Вилоят ҳокимлигида ушбу қонуннинг ижросини ўрганиш натижаларига бағишлаб семинар ўтказилди. Чунки қонун ижросини ўрганиш фақат текшириш ўтказиш дегани эмас, камчиликларни бартараф қилиш йўлларини топишда амалий ёрдам бериш ҳамдир. Семинарда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатилди, уларни бартараф этиш йўллари айтилди. Семинарнинг фойдаси шундан иборат бўлдики, ҳар бир камчиликка охирги нуқта қўйилди. Семинар очиқчасига, дўстона ўтди. Семинардан сўнг масала Олий Мажлис қўмитаси ва комиссиянинг қўшма мажлисига қўйилди, тавсия йўсинида қўшма қарор қабул қилинди.

Комиссия томонидан амалга оширилаётган ишлардан яна бири ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Биласизми, ҳали шу пайтгача бизда юридик атамаларга бағишланган алоҳида китоб йўқ эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси, Тил ва адабиёт институти бизнинг комиссия билан ҳамкорликда ана шундай луғатни яратсак, деган таклиф билан чиқишди. Биз бажонидил рози бўлдик. Бу луғатнинг муҳим жиҳати шундаки, ундаги юридик атамалар рус, ўзбек ва лотин имлосидаги ўзбек тилида бўлади. 300 бетдан ортиқ ҳажмдаги китобнинг дастлабки нусхасини комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб, ўз таклифларини беришди. Ҳозир китоб нашрга тайёрланяпти. Шуни охирига етказадиган бўлсак, китоб муаллифлари, комиссия жамиятимиз учун фойдали, муҳим иш қилган бўлади. Бу китоб турмушда ҳар бир фуқарога асқотади, зарур қўлланма бўлади.

Бир нарсани мамнуният билан таъкидлашни истардим. Бугунга келиб, комиссиянинг ўзига хос иш услуби шаклланиб бўлди. Дастлабки пайтларда бизни қийнаган нарса ҳам шу услуб масаласи эди. Сабаби комиссия Олий Мажлис таркибида ташкил этилган янги институт бўлиб, бундай тажриба, услуб йўқ эди. Эндиликда депутатлар ва турли доираларда комиссия иши тан олиняпти. Бу матбуот чиқишларида ҳам эътироф этилмоқда. Бу билан мақтанмоқчи эмасмиз. Ўз ишига четдан яхши баҳо эшитса, ҳар бир киши хурсанд бўлади, албатта.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ойбек РАҲИМОВ**
**ёзиб олди.**

# Табиатни асраш — ҳаётни асраш

**_Бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор қаратилмоқда. Сабаби, экология — бу ҳаёт. Унинг меъёрлари бузилса, оқибати ёмон бўлади. Шу боис мамлакатимизда табиатни асраш, уни тўлалигича сақлаб қолиш учун жон куйдирадиган ташкилотлар мавжуд. Шулардан бири Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасидир._**

— «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бу муҳим вазифани таъминлашнинг иқтисодий механизмини амалга оширишга доир қисмини Фарғона вилоятидаги ижроси ҳамда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятида ижро этилиши масалалари ўрганиб чиқилганда, шу нарса маълум бўлдики, ҳали бу борада анча-мунча ишларни амалга ошириш лозим,— дейди мазкур қўмита раиси Кудайберган Жумабеков.— Бундай дейишимга сабаб, қонун моддаларининг бажарилишида камчиликлар бор. Тўғри, муваффақиятлар ҳам йўқ эмас. Лекин у ҳали оз. Бойликларимизни кўз қорачиғидек асрашга оид хатти-ҳаракатларимиз етарли натижа бермаяпти. Табиатнинг мувозанатини бузиш, уни асоссиз манфаатларга бўйсиндиришга уринишдек номақбул ҳаракатлар барҳам топмаяпти. Ташкилот, идора ва муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилган 15 дан зиёд анжуман, тадбирларда ҳам масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратилди. Айрим фуқаролар табиатни асраш, ҳаётни асраш билан баробар эканлигини тушунмаслигига ачиниб кетасан. Кўр-кўрона табиатни топташлар кескин камайди. Бунга маълум маънода қонунларимиз туфайли эришдик, десам муболаға бўлмайди.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги иши юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам айнан шу масалаларга эътибор қаратмоқдамиз. Бунда бевосита маҳалла-кўй, ҳар бир инсон атроф-муҳит тозалиги ўзимизга зарурлигини унутмаслиги керак.

**Музаффар**
**НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қонун — ижро этиш учун яратилади

**_Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси икки сессия оралиғида қандай фаолият кўрсатди? Мухбиримизнинг бу саволига жавобан қўмита раиси М. САФАЕВА қуйидагиларни сўзлаб берди:_**

— Қўмитамиз томонидан «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис V сессияси кун тартибига киритилди. Бундан ташқари, бир неча, жумладан, фуқаролар соғлиғини сақлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунларга ҳамда Меҳнат кодексига айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида ҳам қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бошқа қўмиталар томонидан тайёрланган қонунлар лойиҳалари ўрганилиб, муҳокама қилинди. Уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва мулоҳазалар берилди.

Қўмита сессиялар оралиғидаги назорат-таҳлил ишларида ҳам фаол қатнашди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунининг Фарғона вилоятида бажарилишини ўрганиб, 2001 йил 5 январдаги йиғилишида муҳокама қилди. Вилоятда бу борада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилгани эътироф этилди. Айниқса, бюджетдан молиялаштириладиган муассаса-ташкилотларда ишлаётган уч ёшга тўлмаган фарзандлари бор аёллар учун меҳнат ҳақи камайтирилмаган ҳолда иш вақти ҳафтасига 40 соатдан 35 соатга қисқартирилгани, бола парвариши билан банд 54097 аёлга 9 ой давомида 1 миллиард 304022 сўм нафақа тўлангани, 340 аёл 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдалангани, 504 аёл пенсияга чиққанидан кейин ҳам пенсиясини, ҳам иш ҳақини 100 фоиз миқдорда олиш имтиёзидан фойдаланаётгани мамнуният билан таъкидланди. Шу билан бирга, баъзи корхона, ташкилот ва муассасаларда қонун бузилишига йўл қўйилгани, уни тарғиб қилиш яхши олиб борилмаётгани аниқланди. Мана, оқибати: вилоятнинг аксарият хотин-қизлари қонунда кўрсатилган муайян имтиёзлар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Ишчи-хизматчиларининг асосий қисми аёллардан иборат айрим корхоналарнинг хотин-қизлар ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамкасбларининг тўлақонли ҳуқуқий ҳимоячисига айланмаганлар. Вилоятда Меҳнат кодексининг бошқа меъёрларидан четга чиқиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Қўмита йиғилишида ушбу қонун ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қилиниб, амалга ошириш учун жойларга юборилди. Ҳозирги кунда у ўз самарасини бермоқда.

Қўмитамиз томонидан тузилган, депутатлар ҳамда мутахассислардан иборат гуруҳ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун Хоразм вилоятида қандай бажарилаётгани билан танишди. Маълум бўлишича, воҳада мазкур қонун ва уни амалиётда қўлланилишига доир қонуности ҳужжатлар ижроси бўйича яхши ишлар қилинган. Лекин, «Ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, камчилик ва хатолар ҳам йўқ эмас. 2000 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ногиронларни реабилитация қилиш маркази биноси салкам уч ёзу уч қишдан буён ҳамон пойдевори тикланганча тургани, ҳозирги марказ имморати эскириб, моддий-техника базаси талабга жавоб бермаслиги, Урганчда касбий реабилитация қониқарсиз аҳволдалиги, ўтган йили вилоят даволаш-профилактика муассасаларига дори-дармон эҳтиёжга нисбатан кам ажратилгани, Хивадаги ногирон болалар мактаб-интернатида бериладиган озиқ-овқат меъёр даражасида эмаслиги шулар сирасидандир. Улар қўмитамизнинг бир ойча муқаддам тегишли вазирликлар, ҳокимлик ва республика ногиронлар жамияти раҳбарияти иштирокида ўтказилган йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарор ижро учун жойларга юборилди.

Олиб бораётган ишларимиз парламент ишининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**
**ёзиб олди.**

## КУН ТАРТИБИДА СУВ МУАММОСИ

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қашқадарё вилоятида ўтказган семинар-кенгаш сув иншоотларини самарали ишлатиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, умуман воҳада сув ислоҳотини амалга оширишга бағишланди.

Анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан тажрибали ирригаторлар, олимлар қатнашиб, сув танқчил бўлиб турган ҳозирги шароитда уни тежаб-тергаб ишлатиш борасида ўзаро тажриба алмашишди. Семинар-кенгаш қатнашчилари Қарши туманидаги «Батош» хўжалигида бу борада жорий этилган янгича тартиб билан танишишди. Хўжаликда 30 дан ортиқ жойга ўрнатилган сув ўлчаш асбоблари, сувдан фойдаланишда чек усулининг жорий қилиниши семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*ХХI аср — баркамол авлод асри*

## Магистратура:
# Умид ниҳоллари

**_Мустақиллик дунёга келтирган узлуксиз таълим тизими таркибида бакалавриатура ва магистратура олий таълим босқичлари ғоятда муҳим ўрин тутади. Магистратура — академик фанга иқтидорли ёшлар учун истиқбол эшикларини очади. У айни шу фазилатига кўра, олий таълим тизимидаги ўқув жараёнини моҳиятан кучайтиради._**

**_Дунёдаги ривожланган давлатларнинг олий таълимида бакалавриатура ва магистратура — анча-мунча тарихий йўлни босиб ўтган ва ўз мустаҳкам анъаналарига эга. Ўзбекистонда МДҲ давлатлари орасида бундай олий таълим босқичларига биринчилардан бўлиб ўтилди. Ҳозирги вақтда республикамизнинг 38 та олий ўқув юртида 400 дан ортиқ мутахассислик бўйича магистратура таълими олиб борилмоқда. Бу йил 1900 нафар магистр ўқувни тамомлаб, ҳаётга мустақил қадам ташлайди. Бу — Ўзбекистон таълим тизимида муҳим воқеа._**

**_Магистратура таълими қандай имкониятларга эга? Яқин ўтмишда олий ўқув юртини битирган талабалардан магистрлар қандай жиҳатлари билан фарқ қилади? Магистрантлар ўз келажагига қандай қарамоқдалар? Яхшиси, бу саволларга илк магистрларнинг ўз жавобларини эшитайлик._**



**Улуғбек ҚУРБОНОВ, Тошкент давлат авиация институти 2-курс магистранти:**

— Тошкент давлат авиация институтининг (ТДАИ) «Авиаракетасозлик» йўналиши бўйича бакалавриатурани битиргач, магистратурада таҳсил олишга қарор қилдим. Техника соҳаси, бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, чуқур билимни талаб қилади. Биламизки, учиш аппаратлари осмонда ҳаракатланади ва бу жараён анчайин мураккаб.

«Учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси» кафедраси мудири, доцент М. Абдуллаев раҳбарлигида «Пневмоскаба параметрларини автоматик равишда ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш» мавзусида диссертация тайёрлашга киришдим. Республикамизнинг энг йирик, энг нуфузли саноат корхонаси ҳисобланмиш Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиқлари А. Дадамуҳамедов, Ф. Ҳикматуллаев, Ш. Ризаевлардан амалий ёрдам олмоқдаман.

Илмий ишимнинг эътиборли томони шундаки, бу йўналиш бўйича бакалавр босқичи талабалари учун компьютерда видео-маъруза тайёрлаш билан бирга, мавзу натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга эришмоқчиман.



**Баҳодир ТЎРАЕВ, Ўзбекистон Миллий университети физика фани мутахассислиги бўйича 2-курс магистранти:**

— Менинг магистрлик диссертациям табиий полимер толалар тоифасига кирувчи пахта толаларининг электрофизикавий хусусиятларини текширишга бағишланган.

Илмий раҳбарим, академик Абдуғофир Мамадалимов раҳбарлигида диссертация ишимда пахтанинг янги «Ғолиб» навининг электрик ва фото электрик хусусиятларини тадқиқ этдим. Ҳозирги пайтда текширишлар ва илмий изланишларим натижасида, намлик ўлчаш, ёруғлик ўлчаш асбоблари ихтиро қилинди. Бундай ўлчаш асбоблари арзонлиги ва технологик жараёнларнинг соддалиги билан ажралиб туради.

Магистратурани тугатгандан сўнг илмий изланишларни аспирантура босқичида давом эттириш ниятим бор.



**Севарахон БУРХАНОВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Кредит» мутахассислиги бўйича 2-курс магистранти:**

— Банк тизимида маркетинг ва менежментни ривожлантириш соҳасига қизиққаним учун магистрлик диссертациямни шу соҳа муаммоларига бағишладим. Мен магистрлик ишим бўйича ўз амалиётимни Ўзбекистон Республикаси «Пахта банки»да ўтганман ва амалиёт давомида диссертация учун зарур бўлган маълумотларни асосан тўплаб олдим. Лекин изланиш ва яна изланиш керак.

2001 йил магистратура бўлимини битириб чиқаётган мутахассис кадрлар мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар. Мен ҳам шу қаторда албатта бўламан, деган умиддаман.



**Доврубек ИНОҒОМЖОНОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Тўқима ишлаб чиқариш технологияси» мутахассислиги бўйича 2-курс магистранти:**

— Магистратурада устозларим-профессор Ҳ.Алимова ва доцент А.Даминовлар раҳбарлиги остида табиий ипакдан жаҳон андозаларига мос келадиган турли хил янги тўқималар яратиб, уларнинг хусусиятларини тадқиқ этаяпман. Бу изланишлар натижаси асосида республика «Ипак» илмий-техника журналида мақолам босиб чиқарилди. Шунингдек, республика Патентлар идорасига муаллифлик ҳуқуқини олиши учун тавсиянома ҳам жўнатилди. Биз яратган янги ипак тўқимасини Марғилон «Турон шойиси» акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришга қабул қилди. Магистрликдаги илмий изланишларимни аспирантурада давом эткaзиб, фан номзоди диссертациямни ёқлаб, келажакда мураббий устозларим қаторига қўшилиш ниятидаман.




# Бўстоннинг «Байтул-ҳикмат»и

*Кун сайин чирой очиб, кўркига-кўрк қўшилаётган Бўстонга ташриф буюрсангиз, бу гўзал шаҳар олис ўтмиш билан ёрқин келажагимизнинг ўзига хос уйғунлашувини ифодалагандек бўлади. Мовий Оқчакўлнинг бир соҳилида мустақиллик меваси бўлган «Элтекс» тўқимачилик мажмуи кўзни қувонтирса, иккинчи қирғоғида Хоразм шоҳларининг ўтган аср бошидаги қароргоҳи — Тупроққальа саройи қолдиқлари олис мозийни ёдга солиб турибди. Элликқальада бундай қадимий қальа ва қўрғонлардан икки юздан ортиғи мавжуд бўлиб, манбаларда қайд этилишича, улар бундан 2-2,5 аср муқаддам барпо этилган.*

*«Оққан дарё оқаверади», деганларидек, бир вақтлар шу замин фарзанди Абу Райҳон Беруний воҳада Бағдоддаги улкан «Байтул-ҳикмат»га ўхшаган Маъмун академиясини ташкил этган эди. Эндиликда Хоразм диёрида ўша илм маскани қайта таъсис этилди. Айни чоғда, азим дарёлар турнакўз булоқлардан сув олганидек, ўлкада академик лицейлар тизими ҳам вужудга кела бошлади.*

*Қорақалпоғистон Республикасидаги янгидан қурилган илк академик лицей ҳам Элликқальа тумани марказидадир.*

*Мазкур бино замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги анъаналари асосида барпо этилганлиги боис навқирон шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Унда чўлқуварларнинг 200 нафар фарзанди аниқ ва табиий фанлар, иқтисодиёт, ижтимоий фанлар, хорижий филология бўйича чуқур таълим олмоқдалар. Янги ўқув маскани Жанубий Корея ва бошқа илғор мамлакатлардан келтирилган компьютерлар билан жиҳозланган, маъруза ва спорт заллари, замонавий фан хоналари ва лабораторияларга эга.*

*— Академик лицейимизга ўқувчилар тест асосида танлаб олинади, — дейди таълим маскани раҳбари, Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси Ҳожибой Собиров. — Уларнинг чуқур билим олишлари, маънавият ва маърифат чўққиларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бугун лицейимиз остонасини ҳатлаган йигит ва қизлардан янги аср академиклари етишиб чиқишига ишончимиз комил!*

*Бугунги кунда академик лицейда мустақиллигимизнинг ўн йиллигига ҳозирлик қизғин тус олган. Наинки бу таълим даргоҳи жамоаси, балки бутун Элликқальа аҳли улуғ кун нафаси билан яшамоқда. Тез орада Бўстондаги «Байтул-ҳикмат»нинг муҳташам залида ҳам истиқлолни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар баралла янграйди...*

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ўрозбой КЕЛИМБЕТОВ**
**олган сурат.**

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС:
# КРЕДИТЛАШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Банк мутахассислари кичик ва ўрта бизнес корхоналарига молиявий ёрдам кўрсатишдан ташқари жаҳон экспорт бозорларига ўз маҳсулотини олиб чиқиш борасида ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг учун Осиё ва Тинч океани мамлакатлари тараққиёти молия институтлари ассоциацияси (АФИРАТО) билан бирга Миллий банк БМТнинг халқаро савдо маркази ва Жаҳон савдо ташкилотининг SMECENTER лойиҳасини амалга ошира бошлади. Мазкур тизимга улангач, Ўзбекистон корхоналари халқаро технологиялар, тайёр маҳсулот, хомашё, ёрдамчи материаллар ва бутловчи қисмлар бозорига тезкорлик билан киради, ўзлари бизнес ҳамкорларини танлай олади.

Шуни қайд этиш керакки, кичик ва ўрта бизнесни молиялашга Ўзбекистоннинг бошқа тижорат банклари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўтган йили кичик ва ўрта корхоналарни миллий валютада кредитлаш ҳажми 1999 йилдагига нисбатан 2,5 марта ўсди. Биринчи навбатда аграр соҳа корхоналарига ажратилаётган микрокредит ҳажми ортиб бормоқда. Ўтган йили республика банклари 13 миллиард сўмлик микрокредит ажратди. Қатор банклар хусусий бизнесга хорижий кредит заҳираларини мустақил равишда жалб этмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бошлангач, республикада кичик ва ўрта бизнес тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Бунга Ўзбекистон Президентининг янги фармонлари ва ҳукумат қарорлари асос солди. Мазкур ҳужжатлар кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш ва кафолатлаш тизимини мустаҳкамлаш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, ҳисоб-китоб ишларини тартибга солиш ва уларни бюрократик тазйиқлардан ҳимоялашга қаратилган. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонун бу босқичдаги энг муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Кичик ва ўрта бизнес муаммоларига бу қадар эътибор берилаётгани бежиз эмас. Ўтган давр мобайнида бу соҳа бозор талаблари ва турли иқтисодий вазиятларга мослашувчан эканини кўрсатди. Бу ҳол нималарда намоён бўлмоқда? 1994 йилдан бошлаб 2000 йилгача хорижий кредитлар асосан енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришидаги инвестициявий лойиҳалар учун ажратилар эди. Бу йўналишлар долзарб бўлиб, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эди.

Ҳозирги кунда эса, банк мутахассислари қайд этишича, кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги инвестициявий лойиҳаларни молиялашнинг янги устувор йўналишларини белгилаш зарурати пайдо бўлди. Иқтисодий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда республикага маҳаллий ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори технологияли ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.

Кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналарининг йирик саноат мажмуалари билан кооперация қилиниши ҳам истиқболли йўналишдир.

Миллий банк лойиҳаларни молиялаш маркази директорининг ўринбосари сўзларига қараганда, кредитлар қайтарилишини кафолатловчи асослар заифлиги ҳам жиддий муаммолардан биридир. Шу боис суғурта компаниялари ҳам кичик ва ўрта бизнес кредитларини суғурталашга таваккал қилаётганлари йўқ. Фақат «Мадад» агентлиги бундан истисно, у ҳам бўлса асосий қарзларни суғурталамоқда.

Мазкур муаммо ривожланган иқтисодиётли давлатларда ҳам мавжуд. АҚШда бу масала кичик бизнес маъмурияти дастурлари — давлат органи воситасида ҳал қилинади. Бу ташкилотнинг вазифаси тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун ажратилган кредитларга давлат кафолатларини беришдан иборат. У йилига турли кредит дастурлари бўйича қиймати 10 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган кафолатлар беради. Шунга ўхшаш ёрдам Япония, Жанубий Корея, Европа Ҳамжамияти давлатлари ва бошқа мамлакатларда амалга оширилади.

— Бу борадаги тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, — дейди Вадим Михайлович, — кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунда давлат кафолатларини беришга бюджетдан ташқари жамғармалар жалб этилиши мумкин. Мазкур масаланинг ҳал этилиши кредит олувчилар сонининг кўпайишига, шунингдек, таваккалчиликни давлат ва тижорат банклари ўртасида тенг тақсимлашга кўмак беради.

Шу билан бирга кичик ва ўрта корхоналар бошланғич капиталини шакллантиришга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солувчи ва бу соҳанинг муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланувчи давлат дастури зарур. У тадбиркорликнинг иқтисодий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишга ва шу орқали миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришга, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

**О.ЗАДУНАЙСКАЯ,**
**ЎзА мухбири.**

# Сизларни соғиниб яшаймиз...

Ҳар гал шу хиёбон ёнидан ўтаётиб, бир ривоят ёдимга тушади. Кекса онанинг бешта ўғли бор экан. Паҳлавон ўғлонлар довруғи узоқларга кетган бўлиб, улар яшаётган юртга ҳатто душман ҳам яқин келолмаскан. Нимадир бўлиб ака-укалар узоқ сафарга отланишибди. Бундан фойдаланган ёв тўдаси шаҳарга бостириб кирибди, ён-атрофдаги қишлоқлар кулини кўкка совурибди. Душманлар қўлида жон берган кекса онанинг руҳи улкан тоққа айланибдию, олисдаги ўғилларини ёрдамга чорлабди. Ўғлонлар қуюндай бўлиб етиб келишибди. Ёвни ер билан яксон қилишибди. Сўнг ўзлари ҳам ҳориб-чарчаб мушфиқ оналари — тоғнинг пойига бош қўйиб мангу уйқуга кетишибди. Ўшандан буён улкан тоғ беш ўғлонининг ҳокини бағрида тумордай асрар эмиш.

***... Оналаримиз шу қадар фидойи, меҳрибон, мунис!***
***... Ўғилларимиз шунчалар мард, юртпарвар, ўктам!***

Тошга муҳрланган она сиймосига боқаман. Юзларида йиллар қолдирган изтироб, нигоҳларида ҳали сўнмаган умид, пешонасининг ҳар бир чизиғида армонли соғинч туйғуси қотиб қолган. Бу сиймонинг сабру тоқати асрни бўйлади. Аср кексайди, лекин она кексаймади. Чунки, унинг юрагидаги умидлар тирик эди, кўзларидаги соғинчлар тирик эди! Ориқ ва чайир қўллари ҳализамон дуога очиладигандек... Ўшанда — урушнинг илк кунидан то сўнгги дақиқасига қадар бу кафтлар неча бор дуолар учун очилганикин? Титроқ лаблар муқаддас тилакларни неча марта шивирлаб айтди экан? Бу дуо ва тилаклар олисдаги ўғлоннинг вужудига жо бўлиб, уни Ватан учун жанг қилишга ундаганмиди? Ҳа, худди шундай бўлган эди. Ахир, ўзбек аёли юртпарварлик ўгитларини фарзандига бешик бошидаёқ уқтиради-ку! «Мард ва ботир бўл!» деган сўзларни аллаларига қўшиб айтади у. Гўдаги то вояга етгунича «Катталарни иззат қил, кичикка қўл кўтарма, ҳаммага ширин сўзла» дея қайта-қайта такрорлайверади. Лекин шу онанинг жигарбандига айтгувчи яна бир ўгити бор. «Юртингга ёв келса қўлинг муштга, юрагинг тошга айлансин, вужудингдаги нафратни камонингга жойлаб, душман кўксига қараб ўқ уз!» дейди. Ўғлонлар юрт учун жангга кирган кезларда онанинг шу сўзлари уларга қувват беради, йўлларини машъала каби ёритади. Ахир, Ватан — муқаддас, Ватан — азиз, Ватан — қадрли! Киндик қонинг тўкилган гўшани асрамоқ, уни озод ва обод кўрмоқ нақадар бахт! Шу юртдан олисда яшаб, бир умр унга талпинган, охир-оқибат армонли соғинч билан ҳаётдан кўз юмганлар қанча...

*Муқаддассан юртим,*
*бағрингни қўмсаб,*
*Абадий армон-ла*
*ўтганлар ҳам бор.*
*Бир сиқим тупроғинг*
*кўксига жойлаб,*
*Хорижда қабрга*
*қўйилган бир чол...*

Аслида бизнинг бугунги кунларга етиб келишимиз осон кечдими? Йўқ. Озодлик йўлида юзлаб, минглаб инсонлар шаҳид кетдилар. Ватан ҳимояси учун бўлган талатўп ва урушларчи? Иккинчи жаҳон урушида биз қанча-қанча қурбонлар бердик.

Ўзбекистон уруш жанггоҳларида 400 мингга яқин фарзандидан жудо бўлди. Бир миллионга яқин юртдошимиз жанг майдонларига кирди. Юртдошларимиз 200 мингдан зиёд етим-есирларни ўз бағрига олди.

Бу рақамлар ортида улуғ фидойилик, жасорат, матонат зоҳир. Бу рақамлар ортида ҳижронга қоришиқ умид, изтироб ва аламга тўлган аччиқ кўз ёшлари бор. Бу рақамлар ортида «Ўзбекистон бизники, биз уни ёвга бермаймиз!» деган муқаддас тушунчалар бор!

Онанинг тошга муҳрланган сиймоси менга янада кўп нарсаларни сўйлаб бераётгандай бўлади. Патирнинг четини тишлаб, сўнгра жангга отланган йигитлар, юракларни ларзага солган учбурчак мактублар, «қорахат» отлиқ машъум элчи, девор қатида тишланган бўйи қолиб кетган кулчанонлар... Дунёда оналар учун фарзанд доғидан ортиқроқ азоб йўқ. Лекин ўзбек оналари сабру бардоши ила шу азобни енгдилар. Умрининг сўнгги нафасигача ўғиллари йўлига кўз тиккан оналарнинг қалбларида эзгу туйғулар зоҳир эди? Оғир йилларда уларга паноҳ берган нарса умид эди.

Мана шу биргина туйғулар оналар қалбини қуёш каби ёритди, кўксини тоғдай кўтарди, руҳига мадад берди.

Бизнинг чароғон кунларимиз, мунаввар келажагимиз учун жон олиб, жон берган ўша ўғлонлар номи хотирамиздан асло ўчмагай.

Уларни доимо соғиниб яшаймиз.

Оналари оқ сутини оқлаб, юрт ҳимояси йўлида қурбон бўлган ўғлонлар қаҳрамонлиги ҳали неча-неча авлодларга ибрат бўлажак!

Кўнглимни ана шундай тоза туйғулар, ёруғ ҳислар чулғаб олди. Чуқур эҳтиром билан Буюк Она пойига эгилдим.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**



***Ҳар куни нурафшон тонгга пешвоз чиқарканмиз, қуёш сайри – унинг чиқиши ва ботишини одатдаги ҳолдек қабул қиламиз: қуёш чиқдими, у ботади ва эртага яна пайдо бўлади. Урушни кўрган одамлар эса ... «қуёш осмонда осилиб қолган эди», деб эслашади. Ҳамма нарса қоришиб кетган, кеча ва кундуз, йил фаслларнинг фарқи билинмай қолган пайтда эҳтимол, қуёшнинг музаффарлиги ва боқийлиги ҳам омонат туюлиб қолгандир. Айтишларича, қиёмат бошланганининг сўнгги белгиси – қуёш ботган жойидан чиқар экан. Ярим қиёмат ҳисобланган урушда қуёш ҳаракатсиз туриб қолган бўлса ҳам ажаб эмас – бу ҳар сония сўнгги нафасини кутиб яшаган одамнинг тасаввури.***

# Бир умр урушни лаънатлайман

Ҳа, коинот сарвари – қуёшки хаёлотда чалкашиб кетган машъум кунларда қанчалаб хонадонлар ўз офтобларидан айрилиб, зулмат ичида қолди. Энди эр етган, яшашга шахдам киришган миллионлаб йигитлар ҳаёт-мамот жабҳасининг қурбони бўлиб кетдилар. Инсоният ўнгланмас зарбага учради.

Гарчи ажал майдонларидан минглаб чақирим йироқда бўлса-да, бизнинг хилват тоғ қишлоғимизга ҳам уруш суронлари етиб борган эди. Мен у кунларни кўрмаганман, бироқ раҳматлик онажоним билан унинг сўнгги кунигача уруш даҳшатини ҳис этиб яшадим. Ва бу ҳис бир умр мени ҳам тарк этмаса керак.

... Онамнинг укаси — Олимқул ҳақидаги ҳикоялари ҳар доим дардли бўларди. Тенгдошлари ичида сарвари, гапга чечан, ишда дадил йигит экан Олимқул. Етти йиллик мактабни тугатгач, яхши ўқиганлиги учун қишлоқда ўқитувчилик қилган, саводсизликни тугатиш гуруҳларида дарс берган экан. Бу ўша пайтда анча кўзга ташланадиган ютуқ бўлган. Маош олиб келганида ота-онаси, сингиллари роса хурсанд бўлишган, ҳамсояларга ош тарқатишган экан. Яхши ният билан «янги рўзғоримга ишлатаман», деб бир жуфт чинни тарелка сотиб олибди. Афсуски, бу эзгу ниятлар ушалмаган армонга айланди.

Уруш бошлангандан бир йил ўтиб, жангга кетди ва шу кетишида қайтмади. Чинни идишлар эса жонсиз ёдгор бўлиб қолди. Уларнинг бири тўполон йиллари йўқолган, иккинчисини онам кўз қорачиғидек асраб юрарди. Гирдига икки қатор кўк чизиқ тортилган, одмигина буюм эди. Нима бўлди-ю, бир куни токчадан тушиб кетиб синди. Шунда онам чинни парчаларини бағрига босиб, узоқ йиғлади. Унутилган дардлари янгиланиб, анча хомуш бўлиб юрди.

Уч қизи қаторида ёлғиз ўғли бўлгани учун момом тоғамни жуда яхши кўрарkan. Қазо қадар куни келганда мажоли қуриган кампир бир ҳафта киприк қоқмай шипга тикилиб ётган экан. Вужудида ҳаёт тўхтаган – фақат кўзида жон қолган. У кимни кутаётгани аниқ, бироқ илож йўқ. Қўшнилардан бири дунёдан рози бўлиб кетсин, деган маънода таскин бериш учун:

— Йўлингиздан қолманг, Олимқул ҳам келаётган эмиш, ўзи чироғингизни ёқади,- дебди. Шундан сўнг интизор онанинг кўзлари яна-да каттароқ очилиб, эшикка тикилиб олибди ва бир неча кундан сўнг шу алфозда жони узилибди.

Онам бу хотираларни бўзлаб, бағри эзилиб сўзлаб берар, урушни тинмай лаънатлар эди. Тоғдек укасидан тирик айрилган (ундан «қорахат» ҳам келмаган экан) инсон фақат урушдан эмас, бирор совуқ хабардан ҳам зада бўлиб қолган эди. Бехос қағиллаган қарғани қувиб солар, радиодан бирор фалокатни эшитса, уззу-кун безовта бўлиб юрарди. Ҳарбий комиссариатдан менга чақирув қоғози келса, уйга кириб олиб роса йиғлар, кечалари бошимнинг устида мижжа қоқмай тонг оттирар эди.

Уруш онамдек миллионлаб одамларнинг ҳаётини изидан чиқариб юборганди. Унинг касри, заҳри ҳамон безовта қилади.

Биз ҳам новдаси қирқилган дарахтдек ўксик ўсдик. Баъзан турмуш икир-чикирларидан қовурғамиз қайишган пайтларда хаёл узоқ-узоқларга олиб кетади. Ўсмирлигидаёқ элнинг назарига тушган, қишлоқда маҳаллий ёшлардан биринчи муаллим бўлган тоғам Олимқул Соҳибовни эслайман. У ҳаёт бўлганида, ўқиб катта олим бўларди, балки арбоб бўларди. Шубҳасиз, кўплаб шогирдлар ўстирарди. Ҳеч бўлмаса, ақлли маслаҳати, тўғри йўл-йўриғи билан қўллаб юборарди... Жамиятнинг бир тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида яшаганида ҳам, шоир айтганидек, «тириклик иморатига бир дона ғишт қўйгани»да ҳам, бу дунё яна-да ободроқ, яна-да мукаммалроқ бўлармиди?!

Кўнгилнинг бу кечинмалари бот-бот безовта қилганда, тинч-доруломон кунларнинг шукронасини қилиб, шу кунлар учун астойдил хизмат қилиш истаги дилга таскин беради.

**Ҳаким САТТОРОВ.**

# Хотирасиз келажак йўқ

Дориламон кунлар учун шаҳид кетган юртдошларимиз хотирасини эслаш, уларнинг номини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Хотирасиз келажак бўлмаганидек, келажак ҳам хотирасиз бўлмайди.

Кеча «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти корхонасида уруш ва меҳнат фахрийлари учун хайрия тадбири ўтказилди.

"Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси ташкил этган ушбу тадбирга уюшманинг Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳудудларидаги корхоналарида меҳнат қилган фахрийлар таклиф қилинди. Дастурхон атрофида ўтганлар хотираси ёд олиниб, уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари улашилди.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Сиз суратда кўриб турган отахон — Юсуфжон Шокиров 55 йил пойтахтимиздаги мактабларда ўқитувчилик қилди. Халқ маорифи аълочиси. Минглаб шогирдлар тайёрлади. 9 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Невара-эвараларининг саноғидан адашади.*

*Юсуфжон ота иккинчи жаҳон уруши даврида қўлидаги китоб-дафтарни қуролга алмаштирди, тинчлик учун курашди. Бугун эса у фарзандлари ардоғида, халқ қадрида. Самиға ая билан шу кунларга етганига шукроналар айтади, ота.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган сурат.**

# Фахрийлар эъзозда

Фарғона шаҳрида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан байрам тадбири уюштирилди. Тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ёшларга ибрат бўлаётган фидойи инсонлар таклиф қилинди. Тантана иштирокчилари ўз бошидан кечирган воқеа ҳодисалар, қуролдош дўстлари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими А.Отабоев ҳар бир фахрийга вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Санъат усталари ижросидаги катта байрам концерт дастури кечага ўзгача шукуҳ ва тароват бахш этди.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Яхшидан боғ қолади

Форишликлар қалбида Мусоқул Оролов хотираси бир умрга сақланиб қолган. Бутун ҳаётини халқ учун бағишлаган бу фидойи инсон ўзидан катта ёдгорликлар қолдирди. У киши яратган улкан боғнинг воҳада тенги йўқдир.

Бир неча йилдирки, Фориш туманидаги хўжаликлардан бири Мусоқул Оролов номи билан аталади.

Кеча ота туғилиб ўсган хўжаликда унинг хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, отахоннинг шогирдлари, туман раҳбарлари, ҳамқишлоқлари бир пиёла чой устида Мусоқул отани эслашди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўқитувчилар кенгашди

Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи анжумани олдидан Сурхондарё вилоят ўқитувчиларининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва иккинчи босқичида амалга ошириладиган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёш авлодга ватанпарварлик, ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида таълим-тарбия бериш жараёнларига алоҳида тўхталди. Шунингдек, анжуманда ёш авлодга таълим-тарбия беришда эришилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таълим тизимидаги туб ислоҳотлардан кўзланган мақсад - жаҳон таълим андозалари даражасига кўтарилиш, келажаги буюк давлатимиз мавқеини оширадиган ҳар томонлама билимдон ва баркамол инсонларни вояга етказишдир.

Анжуманда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Республика ўқитувчиларининг биринчи анжуманига делегатлар сайланди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири**



Янги китоблар

# Маънавият – тест саволларида

Ўзбекистон Республикаси Давлат Тест маркази дейилса, кўпчиликнинг кўз ўнгига олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар учун мўлжаллаб тузилган тест саволлари тўпламлари — «Ахборотнома»лар келади. Бироқ мустақил ривожланишимиз манфаатлари ушбу Марказ олдига ҳам фаолият доирасини кенгайтириш, мазмунини ранг-баранглаштириш талабини қўйди. Бугун Марказ турли вазифалар ва турли йўналишлардаги тест саволлари туркумларини тайёрлаб, чоп эттирмоқда. Мана, яқинда шу Марказ томонидан нашр этилган «Маънавият ва маърифат (тест саволлари тўплами)» китобчаси сўзимизга далил бўла олади.

Бундай тўпламга ҳаётимизда эҳтиёж етарли. Аввало, мамлакатда халқнинг маънавий камолотига катта эътибор берилмоқда. Чунки маънавиятсиз — эл-юртнинг ривожини тасаввур этиш қийин. Маънавияти теран халқ эса, аксинча, тараққиётнинг янги-янги чўққиларига эришув имкониятларига эга бўлади. Бунинг учун маънавиятнинг ижтимоий борлиқдаги салмоғини, моҳиятини ҳар биримиз етарли англамоғимиз, ҳис этмоғимиз керак. Маънавият, энг аввало, инсоннинг ахлоқи, диёнати, иймон-эътиқодининг гўзаллиги каби руҳий-ботиний хислатларини англатади.

Бу хислатларсиз умуман инсоннинг инсонлигини тасаввур этиш мумкин эмас. Шу билан бирга, маънавият-инсоннинг билим маданияти, малакасини ҳам ўз ичига олади. Бундай маданият, малака инсонда қанчалик юксак бўлса, жамият ҳам шу қадар бақувват, кучли бўлади.

Бизнинг ҳар биримизда шу малака қай даражада? Бунинг учун юқорида биз эслатган тест саволлари тўпламини қўлга олиб, ундаги саволларни ўзингизга бериб кўринг. Ватанимиз тарихи, адабиёти, ҳозирги ва тарихий география, иқтисодий ва ижтимоий географияга оид қизиқарли саволлар, албатта, сизни ўзига ром этади. Ишонамиз, бир имтиҳондан ўтган бўласиз, ютуқларингизни биласиз, муаммоларингизни аниқлайсиз. Тест саволлари Сизни уйғотади, ўз-ўзингизга талабчанлигингизни оширади. Эҳтимол, ушбу саволлар тўпламига, сизнинг назарингизда, яна ниманидир қўшиш керакдир. Бундай мулоҳазаларни ҳам Давлат Тест марказига ёзиб юборишингиз мумкин.

Ҳаркалай, ушбу китобча сизнинг маънавият ва маърифат йўналишида ўз билимингизни синаб кўришдан ташқари маънавий оламингизни ҳам бойитишига ишончимиз комил.

Тест саволлари тўплами Алишер Ишматов, Неъмат Маҳкамов, Бобур Аминов, Ҳамидахон Тўйчиева, Абдуҳаким Қаюмовлар томонидан анча ҳафсала билан тайёрланган. Ҳамда профессор М. Муҳитдиновнинг умумий таҳририда, атиги 1000 нусхада чоп этилган. Ҳозирча оз нусхада, вақти келиб, унинг такомиллаштирилган нусхаси янада кўпроқ нусхаларда чоп этилишидан умидвормиз.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ишламоқчимисиз, марҳамат

Қарши шаҳридаги маҳаллаларда бўлиб ўтаётган ўзига хос семинарларда ишсизлар, уларни ишга жойлаштириш, янги иш ўринлари очиш ҳақида кенгашиб олинмоқда. Унда шу соҳага тааллуқли ташкилотлар вакиллари иштирок этишмоқда. Ким ишсиз, қайси соҳага қизиқади, ҳунари, маълумоти бор-йўқлиги ўрганилиб, иш таклиф этилаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**INVITATION TO SALE OF THE COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

The Committee on Management of the State Property and Entrepreneurship Support of the Republic of Uzbekistan notifies of prospective bidders and invites all interested parties to submit their proposals.

**Type of sale:** open for legal entities and individuals, non-residents of the Republic of Uzbekistan.

**Object of sale:** 56% (fifty six percent) of shares of the legal entity - the State Enterprise "Uzbekrezinotekhnika". The object is subject to sale in accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers No. 119 dated March 9, 2001 "On Measures of Denationalization and Privatization of Enterprises byMeans of Attraction of Foreign Investors in 2001-2002"

SE "Uzbekrezinotekhnika" is the biggest producer of rubber products: tires, insulating tapes, ventilation hoses, isolation covers for alkaline accumulators, rubber mixtures, convenience goods and others.

**Subject of sale:** the initial cost of 56% of State Enterprise "Uzbekrezinotekhnika" shares in the amount of UZS **3 899 738,75** thousand (USD **11,183.65** thousand). Evaluation of equityof the Enterprise was carried out byAgencyon Real Estate and Investments.

**Contact telephone for inquiries and obtaining additional information:**
GKI of the Republic of Uzbekistan
Foreign Investments Department
55, UzbekistanskyAve., Tashkent 700003
Tel.: (998 71) 139-21-22, 139-20-83 Fax: (998 71) 139-20-89
Email: Lozitskiy@spc.gov.uz

4176-3



**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**INVITATION TO SALE OF THE COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

The Committee on Management of the State Property and Entrepreneurship Support of the Republic of Uzbekistan notifies of prospective bidders and invites all interested parties to submit their proposals.

**Type of sale:** open for legal entities and individuals, non-residents of the Republic of Uzbekistan.

**Object of sale:** 100% (hundred percent) shares of enterprise – the legal entity the Joint Stock Company "Turon". The object is subject tosale in accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers No.119 dated March 9, 2001 "On Measures of Denationalization and Privatization of Enterprises byMeans of Attraction of Foreign Investors in 2001-2002"

The JSC "Turon" is hotel, which located in downtown in a park zone.
The JSC "Turon" is offering services of long-distance communication. Parking with car ordering, souvenir and newspaper shops are available under the hotel supervision.

**Subject of sale:** the initial cost of 100% JSC "Turon" shares in the amount USD **1,410,710.22**. Valuation of equitywas carried out by "Ajur plus" auditing firm.

**Contact telephone for inquiries and obtaining additional information:**
GKI of the Republic of Uzbekistan
Foreign Investments Department
Tashkent 700003, Uzbekistanskayave., 55,
Tel.: (998 71) 139-21-22, 139-20-83 Fax: (998 71) 139-20-89
Email: Lozitskiy@spc.gov.uz

4176-1



**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**INVITATION TO SALE OF THE COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

The Committee on Management of the State Property and Entrepreneurship Support of the Republic of Uzbekistan notifies of prospective bidders and invites all interested parties to submit their proposals.

**Type of sale:** open for legal entities and individuals, non-residents of the Republic of Uzbekistan.

**Object of sale:** 70% (seventy percent) of total shares of the legal entity - the State Enterprise "UpakMashAvtomat". The object is subject tosale in accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers No. 119 dated March 9, 2001 "On Measures of Denationalization and Privatization of Enterprises byMeans of Attraction of Foreign Investors in 2001-2002"

SE "UpakMashAvtomat" is the single designer and manufacturer of packaging and weighing equipment in Central Asia. Enterprise manufactures complex lines for packaging and weighing of liquid, paste and loose substances/products; automatic capping machines for liquids; automatic labeling devices; banding machine for packaging in shrink film; equipment for production of polymer containers; transfer and blow molds. Enterprise has managed tocapture up to80 % of the domestic packaging equipment market.

**Subject of sale:** the initial cost of 70% (**155 280** shares) of State Enterprise "UpakMashAvtomat" shares in the amount of UZS **155 281,28** thousands (USD **607 993**). Evaluation of equityof the Enterprise was carried out byAgencyon Real Estate and Investments.

**Contact telephone for inquiries and obtaining additional information:**
GKI of the Republic of Uzbekistan
Foreign Investments Department
55, UzbekistanskyAve., Tashkent 700003
Tel.: (998 71) 139-21-22, 139-20-83 Fax: (998 71) 139-20-89
Email: Lozitskiy@spc.gov.uz

4176-5

